

**САНЪАТНИНГ ИЖТИМОЙ-ЭСТЕТИК ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА
УМУМБАШАРИЙ МОҲИЯТИ***

**СОЦИАЛЬНО-ЭСТЕТИЧЕСКИЕ ЗАКОНОМЕРНОСТИ
ИСКУССТВА И ЕЁ ГЛОБАЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ
SOCIAL-AESTHETIC REGULATIONS AND GLOBAL MEANING OF
ART**

*Мирзо Улугбек номидаги
ЎзМУ, фал.ф.д., профессор
Г.Т.Махмудова*

Аннотация: мазкур мақолада санъатнинг ижтимоий воқелиқда ва умуман инсон ҳаётида ахлоқий етуклик, баркамоллик сари етакловчи қонуниятлари, ўз навбатида, инсоннинг инсонийлашувида, маънавий камолотидаги аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Шу тариқа санъатнинг ахлоқий идеалларни бадиий-эстетик образлар тимсолида таъкидлаш ва тасдиқлаш шакли сифатидаги ижтимоий-эстетик моҳияти таҳлил этилган.

Калит сўзлар: санъат, эстетика, ахлоқ, қонуният, эркинлик, маънавият, инсон камолоти, ижтимоий онг, бадиий-эстетик қадрият.

Аннотация: в данной статье рассмотрены вопросы о значении воздействия и закономерности искусства в процессе нравственного совершенствования человека в социальной реальности, способствующий к очеловечеванию и гармоничного развития молодежи. А также утверждение нравственных идеалов искусства через художественные-эстетические образы.

Ключевые слова: искусство, эстетика, морал, закономерност, свобода, духовность, совершенствование человека, общественное сознание, художественно-эстетические ценности.

Annotation: in the article regulations leading to moral development, making humanity, and their role in spiritual perfectness of human are researched. According to that remarking of moral ideals of art by literature-aesthetic character and adopting forming as a social-aesthetic meaning of these scientific problems are studied.

Key words: art, aesthetics, moral, regulations, freedom, spirituality, human perfectness, social thought, literature-aesthetic value.

* Мақола ЎзМУ қошидаги IL-4821091548-сонли “Замонавий таҳдид ва даъватлар шароитида Ўзбекистон ва Беларусь ёшлари онги шаклланишининг ижтимоий-маданий ва аксиологик асослари” мавзусидаги фундаменталь лойиҳа доирасида тайёрланган.

Санъат – тарихий ва ижтимоий фаолият сифатида бадиий ижодиётнинг хилма-хил тур ва жанрларини қамраб олади. Кулол яратган кўзача билан шашмақом тароналари, Кушон даври ҳайкаллари билан Гўри Амир меъморий мажмуаси, Варахша қасри деворларидағи маҳобатли расмлар билан Камолиддин Беҳзод миниатюраси, Алишер Навоий ғазаллари ў Шерали Жўраев қўшиқлари, асарларининг мазмун-моҳияти инсон, илоҳиёт, ҳаёт, табиат ва жамият билан боғлиқ бўлган Гўзаллик, Улуғворлик, Муҳаббат, Нур ва Соя ўртасидаги диалектик алоқадорликни тараннум этувчи Акмал Нур полотнолари бир сўз билан «Санъат» деб атаемиз.

Санъат маънавий фаолият сифатида маълум ижтимоий вазифаларни бажаради. Унинг одамларни тарбиялай олиш имконияти, инсон руҳи ва онгига таъсир этиш хусусиятига эга.

Шарқ мутафаккирларидан Форобий, Ибн Сино, Жомий, Алишер Навоийлар санъатнинг инсон ахлоқий қиёфаси, маънавий камолотида беназир неъмат эканлигини таъкидлаганлар. Жумладан: «Зардуштийлик таълимотининг муқаддас китоби Авеста (ҳозирги тилда «Асосий китоб маъносида») диний эътиқод китоби бўлиши билан бир вақтда сўз санъати ёдгорлиги ҳамdir» [1.Б307].

Санъат бошқа ижтимоий онг шакллари билан ёнма-ён ва ўзаро алоқадорликда ривожланиб келган. Айниқса ахлоқ ва дин билан бўлган муносабат санъатнинг ижтимоий таъсир доираси ва аҳамияти қанчалик кенг эканлигини кўрсатади.

Агар санъатнинг обьекти инсон учун зарур ва зарурат бўлган воқелик экан, бунда инсоннинг ижтимоий ҳодиса эканлигини кўрсатувчи ахлоқнинг санъатга ва санъатнинг ахлоққа таъсири масаласи юзага чиқади. «...Санъат инсон руҳий оламини номақбул ҳиссий эҳтиёжлардан поклайди, шу билан бир қаторда касалликларни даволашга имконият яратади. Инсон моҳиятининг барча яхши хислатлари – гўзаллик, эзгулик, ботирлик, ҳатто билимлар ҳам покланишнинг маҳсулидир. Шу муносабат билан покланиш орқали барча камчиликлардан холи бўлиш мумкин: жисмоний номукаммалликдан гимнастика, касалликлардан – медицина, билимсизлик, жоҳилликдан – илм, бадхулликдан – санъат ёрдам беради. Зоро санъат, грекларда покланиш, катарсис ҳисобланади» (2.Б.65). Катарсис покланиш экан, покланиш ғояси, унинг турли хил намойишлари Авестанинг қуйидаги ахлоқий-фалсафий тамойилида ҳам зикр этилган: ҳаром қилувчи одам – ахлоқсиз, хунук; покланиш – ахлоқлилик ва гўзаллик ифодаси. Ахура Мазда ғояларига содик бўлган киши абадий ҳаётга эришиш билан тақдирланади. Инсон қандай қилмишлар қилганига қарамасдан, эзгуликка юз тутиб, Ҳақиқат ва Мазда динига эътиқод қила бошласа, унинг барча гуноҳлари авф этилади, Ахура Мазда яратган эзгу нарса ва мавжудотлар қаторига қўшилади

[3]. «Трагик покланиш Аристотель фикрига кўра, эгилувчан, ҳаракатга мойил бўлган, моддийликдир. Қалдан аффект жазавасини бартараф этади, у бамисоли дармон – касаллик ва жисмоний нуқсонларни даволайди. Катарсис – санъатнинг мақсадидир» [4.Б.35].

Покланиш формуласи нафақат жисмоний, моддий покланиш учун, балки инсоннинг руҳини, ахлоқий қиёфасини поклаш учун ҳам зарур. “Бизни ва эзгули рафиқаларимизни қўтариб юргани учун ерга сажда қиласиз”, ер муқаддас бўлгани учун покланади. Тақводор бўлиш инсон маънавий дунёсининг покланиши демакдир. Санъатнинг обьекти ҳам, мазмуни ҳам инсон билан боғлиқ бўлгани учун инсоннинг ахлоқий қиёфаси ва у мансуб бўлган халқ ахлоқий тасаввурлари санъат мазмунининг асосий таянч нуқтаси ҳисобланади. Зоро, «...Авеста Гатлари ва Ригведа қўшиқларининг қўпгина қисми фаришталар ва худолар ҳаётининг кенг қамровли сахналарини акс эттиришга қаратилган драматик сахналарга бой. Шу билан уларнинг маҳобати, қаҳрамонларни ёрқин таърифлари, уларнинг маънавий дунёси аҳамиятлилиги маълум. Охир оқибат, ўзида ўйлаб қўйилган сюжет, композиция, поэтикани мужассамлаштирган ушбу қўшиқларнинг баъзилари ўзининг ёрқин жозибадор ва таъсирчанлиги билан улкан санъат асарини эслатади» [5. Б.171].

Бундан ташқари, санъатнинг ички ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган ҳиссий-эмоционал кечинмалар орқали бадиий образ яратиш ҳам бевосита жонли инсон ва унинг ахлоқий қарашларидағи йўналишни ифодалашга қаратилган.

Одамлар орасидаги ҳар қандай ижодий, ҳаётий ва шахсий зиддиятларнинг ечими ахлоқий мезонларнинг тўқнашуви, муросаси ёки муросасизлигига олиб келади. Фоявий ёки маънавий муносабатлар тўқнашуви ҳеч қачон ахлоқий мезонлар курашиз бўлмаган. Шунинг учун санъат ўзининг дастлабки пайдо бўлган даврларидан то шу бугунга қадар барча ижтимоий ва инсоний муаммоларни ахлоқий тўқнашувлар майдонига олиб чиқади ва ўқувчи, томошабинда маълум шахс, характер, образга нисбатан ё ижобий завқий муносабат, ё салбий нафрат туйғусини уйғотади. Қайси асар билан танишганда бундай муносабат ҳосил бўлмас экан, бундай асар ё маълум тенденциозлик руҳида ёзилган, ё ғоявий-бадиий жиҳатдан ночор бўлади.

Гўзаллик ва хунуклик, яхшилик ва ёмонлик, улуғворлик ва пасткашлик, тўғрилик ва эгрилик, поклик ва нопоклик сингари тушунча ва тасаввурлар санъат учун ҳам, ахлоқ учун ҳам teng аҳамиятлидир. Фақат уларни санъатда ифодалаш ва ахлоқий муносабатлардаги қўринишлари ҳар хил бўлади. Масалан: «... агар шеърият ахлоқ фалсафасига тааллукли бўлса, тасвирий санъат табиат фалсафаси билан боғлиқдир. Агар биринчиси онг фаолиятини ифода қиласа, иккинчиси онгнинг ҳаракат жараёнини кўрсатади» (2.544 -545).

Санъатнинг ахлоқ билан чамбарчас боғлиқлиги унинг наинки миллий ўзига хослиги, шунингдек, умумбашарий маънавий қадрият бўлишидан ҳам далолат беради. Таржима қилинган асарлардаги бошқа миллат ва ўзга мамлакатда яшаган одамлар ахлоқий қиёфаларидағи ўзгариш ва эврилишлар бошқа миллат вакилларида ҳам муайян бадиий-эстетик кечинма уйғота олади.

Турли миллат ва мамлакатларда яратилган санъат асарларининг инсоният маънавий мулкига айланиши бу халқларнинг асарларида акс этган умумбашарий муаммо ва ахлоқий тасаввурларнинг муштараклигидан далолат беради. Тициан, Крамской, К.Беҳзод, Абдулҳақ Абдуллаев сингари рассомларнинг портретларида турли миллат вакиллари образи акс этса ҳам уларнинг барчасига хос бўлган асосий хусусият –бу инсон маънавияти ва баркамоллик ҳақидаги тасаввурлар муштараклигидир. Бу муштараклик эстетик ва ахлоқий идеаллар яхлитлиги, ўхшашлиги натижасидир. Тилаб Махмудов Ўзбекистон халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаевнинг Хиндистонда бўлган сафар чоғидаги бир воқеани эслаб, Дели кўргазмасидаги «Она портрети» билан боғлиқ бир эпизод ҳақида шундай фикрларни билдирган: «1957 йили совет рассомларининг Хиндистондаги муваффақиятли кўргазмасининг хайрлашув кечасида Дели рассомларининг уюшмасининг раиси Канвал ўз рафиқаси билан Абдулҳақ Абдуллаевнинг «Она портрети» олдида узоқ томоша қилиб хаёлга чўмиб, кўзига ёш олган. Канвал бир йил аввал оламдан ўтган онасини эслаб, барчага майнин қайишиб, бу портрет барча халқлар онаси, «Мадр»дир, деб унга юқори баҳо берган» [6.Б.241].

Санъат илм-фан, сиёsat, фалсафа ва дин билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тараққий этади. Санъатнинг фалсафа билан боғлиқлиги иккала ижтимоий онг шаклларининг табиат, жамият ва инсонни ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб олишларида муштараклик мавжуд бўлса, бу мақсадга эришишда бири алоҳидаликнинг умумийликка алоқадорлигини, иккинчиси умумийлик қонуниятларини ифода этишдаги ифода усуllibарида фарқ қиласи. Иккаласида, умуман фан ва санъат муносабатларида бўлганидай, бири жонли образлар орқали, иккинчиси абстракт ва умумий тушунчалар орқали воқелик ва инсон ҳақида тасаввур уйғотади.

Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Чунки санъат ўзининг кўпқиррали моҳияти билан ҳаётда жуда кўп ижтимоий вазифаларни бажаришга даъват этилган. Бирор санъат асари алоҳида бир мақсадни кўзласа ҳам аслида у жуда кўп ижтимоий, бадиий-эстетик вазифаларни бажаради. Шу маънода Т.Махмудов эътироф этганидек, мен мусаввир «Алишер Мирзодан «Санъаткор» ва «Ижодкор» сўзлари ўртасида бирлик ва уйғунлик борми, деб сўрадим. Унинг жавобига кўра ҳар бир сўзга «кор» қўшимчаси уланган экан, бу сўзлар маълум касб эгаллаш сиймосини яратади. Масалан, санъаткор, миришкор, ғаллакор,

шифокор, пахтакор, тадбиркор, зулумкор ва ҳоказо. Ижодкор – санъаткордан юқорироқ поғонада, ўз касбининг лочини сифатида туради. Ҳамма санъаткор ижодкор бўла олмаслиги мумкин. Ижодкорда шахснинг шуғулланайтган соҳаси, касбини яхши билиши, шу соҳада йилтираган муаммолар ечимини топиши ва ҳал қилиши кўзда тутилади. Шунинг учун кучли ижодкорлик табиати ҳаммага насиб эта бермайди. Ижодкор – муаммо, вазифа ечимини ҳал қиласи, ҳунарни ўз ўрнида бажариш эса ҳунармандлиқдан нарига ўтмайди. Ижодкорда ўзигача ва ўз даврида, сўнгра давом этадиган санъат йўллари уйғунлашиб, турланиб кетади. Ҳунарманд ҳам янгилик яратгандай бўлади, аммо бу ижодкор йўлининг тақоридан нарига ўтмаслига мумкин» [7.Б.5-15].

Бирор бадиий асарни ўқиганда ҳам ўқувчида билим, тасаввур, кечинма, ҳайрат ва эстетик лаззат вужудга келади. Санъат асарлари бунчалик қўп ижтимоий вазифаларни бажарса ҳам уларни эстетик ўзлаштиришда умумий бир қонуният мавжуд. У ҳам бўлса санъатнинг яхлит бадиий тизимга эга бўлиши ва маънавий-бадиий фаолият натижаси эканлигидир.

Санъат бошқа, маълум ва муайян ижтимоий онг шаклларидан, турларидан фарқли равишда воқелик билан боғлиқ тасаввурларни конкретлаштириш ва инсонга бу образлардан ўзига, шахсига тааллуқли ва қизиқарли томонларни танлаш ва шу асосда ўз ҳаётини қуриш имкониятини беради. Бундай ягоналик асосида умумийлик ҳақида тафаккур юритиш ва умумийликни ягоналикда гавдалантириш хусусияти санъатни фалсафа ва динга яқинлаштиради. Улар ўз амалий қўринишларидаги мазмун ва шакл бирлигига фарқ қиласидар. Фалсафа табиат, жамият ва инсон ҳақида тушунчалар тизимини яратади, дин тасаввур доирасининг бепоёнлиги томон бошлайди, санъат эса конкрет ҳиссий образлар орқали инсонга табиат, жамият ва инсоннинг янгидан-янги томонлари ва жиҳатларини ҳиссий гавдалантиришга муюссар бўлади.

Санъатда инсон билан боғлиқ абадият тушунчаси ва тасаввурларини моддийлашган бадиий-эстетик қадрият тарзида қўрсатиш имконияти мавжуд. Шунинг учун ўқувчи ва томошабин санъат асарларини ўз умрининг тимсоли ёхуд ўз ҳаётининг бошқаларда кечган давоми сифатида қабул қиласи ва, энг муҳими, санъат одамзод тарихидаги узоқ-яқин масофаларни бирлаштирадиган, руҳий эркинликни таъминловчи маънавий майдон вазифасини бажаради.

Санъатнинг ана шундай инсоннинг турли-туман ижтимоий фаолиятига хизмат қилувчи вазифаларини умумлаштирадиган бўлсак, улар асосан ўз ичига яна бошқа-бошқа ва ёндош вазифаларни қамраб олувчи тўрт йўналишда кўзга ташланади.

Санъат, биринчи навбатда инсонга завқ бағишлиб, унинг ҳаётига маънавий нур олиб киради. Ҳеч ким санъатни ўз касб-ҳунари ёки бирор соҳанинг сиру асрорларини билиб олиш учун ўзлаштиромайди. Санъат инсон ҳаётига гўзаллик

бахш этади. Санъатдан баҳраманд бўлган одам биринчи навбатда бадиий-эстетик кечинмага бурканади. Агар санъатнинг бундай завқий имконияти бўлмаганда одамларнинг унга бўлган қизиқиши шунчалик кучли бўлмас эди.

Инсон санъат асарларида ҳаётда учраган, эшитган, кўрган, билган воқеаларининг уйғун, ўзи ҳам гўзаллик қонуниятлари асосида бирон бир фаолият билан шуғулланишга, эстетик қадрият яратишга маънавий-эстетик туртки олади.

Санъатни идрок этишда ҳосил бўладиган бегубор қувонч, Кант тили билан айтганда, беминнат фароғат инсонни наинки ҳаяжонга солади, унинг бутун маънавий имкониятига қанот бахш этади, унинг яратувчилик қобилиятига ҳайрат туйғусини қўшади. Неча асрлар ўтиб кетган бўлса ҳам Румий шеъриятининг, Хайём рубоийларининг, Алишер Навоий ғазалларининг ўқувчиларни юксак идеаллар сари чорлашининг боиси шундан.

Иккинчидан, санъат бадиий образлар орқали ҳаётни акс эттирад экан, инсонга «Ҳаёт мактаби» илмини беради ва шу тариқа ўзининг маърифий вазифасини бажаради.

А.Қаҳҳор, К.Яшин, А.Қодирийлар тарихимизнинг аянчли ва забун воқеаларидан бизни огоҳ қилади. Уларнинг асарлари орқали биз муайян миллат, мамлакат ва давр ҳақида бадиий-эстетик тасаввурга, билимга эга бўламиз, саводимиз ошади.

Санъатнинг маърифий, саводий вазифаларининг инсон учун қанчалик кучли ва зарурлигидан уни «Ҳаёт мактаби», деб бежиз айтмаганлар. Бу билим гарчи бевосита амалий фаолиятга дахлдор бўлмаса ҳам инсонни умуман ҳаётга, яшаш ва ижодга даъват этиш хусусиятига эга. Шунинг учун кимки, айниқса, ёшлар бадиий адабиёт ўқимай кўйсалар, санъатнинг бирон тури ва жанрига қўнгил қўймасалар, уларнинг маънавий дунёси тор, диди тўмтоқ ва ҳаётга муносабатида кемтик нукталар кўпроқ сезилади.

Психология (руҳшунослик) фани инсон руҳияти, тасаввури, хотира, идрок ва кечинмаларининг умумий қонуниятларини очади. Санъатнинг руҳшунослик фанидан фарқи шундаки, санъат алоҳида бир шахс, алоҳида бир руҳий ҳолат ёки жараён орқали умумийликнинг конкрет-индивидуал қиёфасини яратади. Ана шу маънода чинакам бадиий образ умумийлик, алоҳидалик ва ягоналикнинг диалектик бирлигидан ташкил топади.

Санъатнинг бу хусусияти наинки ўзга ва нотаниш руҳият олами ҳақида, балки инсоннинг ўз руҳиятини ҳам билишга, ўзини ўзи англашга ҳам олиб келади. Санъат фақат ўзгалар ҳақидаги «ахборот», билим ва тасаввур эмас, айни чоқда, уни идрок этувчи руҳиятининг шу лаҳздан эътиборан эврилиш ва ўзгариш жараёнларига ҳам тааллуқли бўлиб қолади.

Санъатнинг ижтимоий ҳаётда бажарадиган вазифаларининг учинчиси – унинг тарбиявий восита эканлигидир.

Санъатнинг тарбиявий вазифасини бир томонлама ва жўн тасаввур этиш керак эмас. Баъзи олимлар санъатни насиҳатгўйлик тимсоли, эзгу хаёлларга чорловчи, инсон туйғуларини маданийлаштирувчи бадиий қадрият деб талқин қилишади. Насиҳатгўйлик гарчи масал, матал ва мақолларда яққол кўринса-да санъатнинг мураккаб мазмунини бундай чегаралаш унинг ижтимоий аҳамиятини камситиш бўлур эди.

Санъат – ўз мураккаб ички тизими туфайли инсон тафаккурининг барча ёруғ ва қоронғу, баланд ва паст, чуқур ва юзаки ҳолатларини ифодаловчи маънавий жараёндир. У одамларда тасвирланган, ифодаланган нарса, ҳодиса ва кечинмаларнинг аҳамиятини, қадрини белгилашга чорлайди. Ўқувчи ва томошабин воқеликни санъаткор кўзи билан қўришга мажбур бўлса-да уни ўз диди ва оламфаҳми орқали баҳолайди. Воқелик ҳақидаги санъаткор хукми ўқувчи ва томошабин хулосаси билан тенг бўлмаслиги мумкин. Лекин энг қизиги шундаки, санъаткор ўқувчи ва томошабинга эркин фикр юритиш ва эркин туйғуларга бурканиш имкониятини яратади.

Санъатнинг бундай тарбиявий хусусияти туфайли одамларда тафаккур ва хиссиёт бирлигидан вужудга келувчи дунёқарашиб шаклланади.

Санъатнинг тарбиявий аҳамияти унинг ўқувчи ва томошабинда ўқиган ва кўрган нарсаларидан таъсирланиш даражасини шакллантиришга ҳам боғлиқ. Инсон руҳиятига таъсир этмаган, одам ички дунёсида уй қурмаган ёки нотаниш одамдай тасаввурдан беиз ўчиб кетган қовеа-ҳодисалар санъат асари учун обьект ҳам, мазмун ҳам бўла олмайди. Фақат шахсан ҳис қилиб, қаттиқ изтироб ёки қувончга сабаб бўлган ҳодисалар инсон онгидга узоқ сақланади.

Санъат ана шундай абадий ва узлуксиз кечинмалар оламини яратиш хусусиятига эга. Шу йўл билан санъат инсоннинг шахсий ва ижтимоий тажрибасини, тафаккур уфқини кенгайтиради, уни ҳаётнинг турли-туман ва чигал жумбоқларини ечишга тайёрлаб беради. Масалан: «Онгиззлик хар хил ҳаётий таасуротлар таъсиридан ҳар қандай ижодий жарёнда муаммо ечимининг бир қанча варианtlарини, образлар, воқеа-ҳодисаларга доир фикр алмашинувларини туғдиради. Интуитив эстетик хиссиётлар эса улар орасидан энг гўзал образ ва ечимни танлаб олиш имконини беради. Интуиция механизми эстетика билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, француз математиги А.Пуанкаре таъкидлаганидек, математик ақлнинг ажralиб турувчи хусусиятини мантиқдан эмас, эстетикадан изламоқ лозим. Замонавий математиклардан бўлмиш С.А.Пейперт ҳам шундай фикрда. Онгиззликдан онглиликка ўтувчи ҳар қандай фикрлар ҳам тўғри бўлавермайди, чунки, онгиззликда мантиқий ҳақиқат критериялари йўқ. Ва айнан гўзаллик образларни онгиззликдан онглилик

даражасига, яъни, олинган материални тубдан текшириладиган поғонага олиб чиқувчи критерийдир. Онгсизлик яратган, эстетик хиссиётлар томонидан ажратиб олинган, шакл берилган образ онгга узатилади. Бу ерда у мантиқий солиширилади, зеҳн билан ёритилади, ишлов берилади (аргументлаштирилиб, фикр билан тўлдирилиб, асослантирилиб, маънавий мерос билан боғланиб, бойитилади)» [8.Б.82].

Инсон умри ва фаолияти чегараланган. У маълум мамлакат, миллат ва одамлар ҳаётида содир бўлаётган барча воқеа-ҳодисалар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўла олмайди. Санъат эса инсон ҳаётидаги ана шу кетмик жараённи тўлдиришга, одамларнинг тасаввур ва тажрибасини кенгайтиришга руҳий оламига янгидан-янги таъсуротлар оқимини олиб киришга қодир. Шундай қилиб, санъат инсон меҳнатига завқ, ҳаётига маъно, руҳиятига нур бағишловчи илиқ туйғулар, ёрқин тасаввур ва ширин ҳаёллар олиб киради.

Тўртингидан, санъатнинг одамларга завқ-шавқ бағишлиши, олам ҳақидаги маърифий, руҳий тажрибасини кенгайтириши, руҳий юксалиш ва покланишга хизмат қилиши уни муайян халқ ва мамлакат ичидагина эмас, бутун дунё ва мамлакатлар орасидаги маънавий алоқа кўприги вазифасини ўташидан ҳам дарак беради. Э.В.Ильенков таъкидлаганидек: санъатнинг мақсади, «Фақатгина даҳонинг ижоди бўлмиш санъатда мукаммаллик тимсоли тугалланган мушоҳада образи сифатида келтирилиши мумкин. Бу ерда барчаси умумийлик (умум қабул қилинган нормалар) ва индивидуаллик (характерга доирлик), бутунлик ва қисманлик, аҳлоқийлик ва қонунийлик, тегишлилик ва борлик муросага келади. Шу сабабдан ҳам мукаммаллик нафосат кўринишини касб этади. Агарда индивидуал характерга доирлик нормал абстрактлик хисобига бўрттирилган бўлса, гўзаллик ғойиб бўлиб ўрнини масхара эгаллайди. Акси ҳолат рўй берганда эса, яъни, пешқадамликка нормаллик балқиб чиқса, жонсиз бир абстракт чизги пайдо бўлади, у гўзал эмас, аммо аниқ ва тўғри чизилган, ижодий-эстетик ҳам эмас, аммо ўқув жараёнига оид академик образдир» [9.Б.205].

Шу тариқа бир одамнинг индивидуал тажрибаси бошқа одамга, бир халқнинг ижтимоий тажрибаси бошқа халққа, бир мамлакатнинг маънавий мулки бошқа мамлакатга, аждодлар маънавияти авлодларга ўтиб келган. Натижада ҳатто битта ижодкор санъати ҳам ўз моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан жамият ва жамоат мулкига айланиб борган. Чунки жамоат ва жамиятсиз бу санъат асарининг яшаси ва амал қилиши мумкин бўлмаган. Шундай қилиб, санъат одамлар ва маълум халқ вакилларининг фикр, туйғу, кечинма ва тасаввурларини алмаштириш омилига, шахсий маънавий тажрибаларни ижтимоийлашув воситасига айланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. X.Болтабоев, М.Махмудов. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. (Іжилд: Қадимги давр). Т.: “MUMTOZ SOZ”, 2013;
2. История Эстетики. Памятники мировой эстетической мысли. Том I, Москва. Издательство Академии художеств СССР. 1962;
3. Г.Махмудова. Эстетические идеи зороастризма.- Т.: Ношир, 2012;
4. М.Ф.Овсянников. История эстетической мысли. Москва. «ВЫСШАЯ ШКОЛА». 1984;
5. Садулло Рахимов.Эстетика зороастризма. Душанбе. «Дониш», 2006;
6. Маҳмудов Т. Эстетика и духовные ценности.Т.: Шарқ. 1993;
7. А.Мирзо.Каллахоналиқ йигитча. Т.Махмудов. Мўйқаламда ёзилган роман.Т.- Янги аср авлоди.2015;
8. Юрий Борев. Эстетика. Москва. Политиздат. 1988;
9. Э.В.Ильенков. Философия и культура. Москва. Политиздат. 1991;
- 10.Г.Махмудова. Современные критерии и методология эстетики. Educational Research in Universal Sciences “ERUS”. Май 2023;
- 11.Г.Махмудова.Эстетика как гносеология искусства Восточного Возрождения. Марказий Осиё Ренессанси журнали.Том 4 № 1 (2023);
- 12.Г.Махмудова. Век науки и искусства. Высшее образование в современном мире: история и перспективы: Международная междисциплинарная коллективная монография / Сост., ред. М. ле Шансо, И.Э. Соколовская. – М.: Энциклопедист-Максимум, 2020;
- 13.Г.Махмудова и другие. Ўзбекистонда ислоҳотлар жараёнини таҳлил этиш ва амалга оширишнинг концептуал-фалсафий методологияси. Монография. / Тошкент: «NOSHIR», 2020.